

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РАББИМОВ АБДУЛЛО**

**ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИНТРОДУКЦИЯ ВА СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)  
on agricultural sciences**

**Раббимов Абдулло**

Чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишнинг интродукция ва селекция  
асослари ..... 3

**Раббимов Абдулло**

Интродукционно селекционные основы повышения продуктивности  
пустынных пастбищ ..... 31

**RabbimovAbdullo**

Increasing productivity of desert pastures on plant introduction and  
breeding bases ..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РАББИМОВ АБДУЛЛО**

**ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИНТРОДУКЦИЯ ВА СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Qx76 рақами билан рўйхатга олинган.**

Фан доктори диссертацияси (DSc) Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (рахтауз@mail.ru) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Махмудов Мухитдин Махмудович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ғайбуллаев Ғулом Сайдалимович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори <b>Рахимова Ташханим</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Нурбеков Азизбек Исроилович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02-рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78, факс (+99871) 150-61-37, E-mail: рахтауз@mail.ru. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, Анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.Э.Равшанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

**А.Ё.Курбонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., к.и.х.

**А.Б.Амантурдиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида сўнгги бир неча йиллар давомида чўл яйловларидан меъеридан ортик фойдаланиш оқибатида уларнинг таназзулга учраш жараёни кучайиб бормоқда. «Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра жаҳондаги умумий яйловларнинг 73% турли даражада деградацияга учраган ва ҳосилдорлиги камайган».<sup>1</sup> Ер юзининг қурғоқчил минтақаларида чўлланишнинг олдини олиш, истиқболли озуқабоп ўсимлик турларини маданийлаштириш, уларнинг маҳаллий шароитларда ўсишга яхши мослашган юқори ҳосилли навларини яратиш орқали яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўта қурғоқчил ва шўрланган чўл яйловларида ўсимлик қопламини бойитиш, қайта тиклаш, кўчманчи қумларни мустаҳкамлаш ва мустаҳкам озуқа захираларини яратиш мақсадида турли селекцион ва агротехник тадбирлар қўлланилмоқда. Жумладан, Исроил, АҚШ, Канада, Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Шимолий Африкада галофит ўсимлик турларини интродукцион тадқиқотларга жалб қилиш натижасида, қурғоқчил минтақалар табиий флорасида тарқалган ўсимлик турлари, хусусан *Cenopodiaceae* оиласига мансуб, экстра арид ва тупроқ шўрланиши шароитларида ўсишга яхши мослашган турларни маданийлаштириш орқали яйлов чорвачилиги озуқа захиралари мустаҳкамланмоқда. Бу юқори чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишни таъминласада, кўп куч ва меҳнат талаб қилади.

Республикамызда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, чўл яйловлари ҳосилдорлигини сақлаш ва ошириб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ушбу муаммонинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ва чорвачилик соҳасининг ривожига муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб 2019 йилнинг 20 майида Олий Мажлис ва республика Сенати томонидан илк бор «Яйловлар тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси»<sup>2</sup>да ҳам «....чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа захираларини яратиш, озик – овқат ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш, озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш ва чорвачиликни сифатли озуқалар билан таъминлаш» каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистонда яйлов ва ўтлоқзорлар сифатида фойдаланилиб келинаётган ер майдонларининг умумий майдони 21,1 млн. гектарни ташкил қилиб, кейинги йилларда улардан узлуксиз ва тартибсиз фойдаланиш оқибатида катта майдонларда ўсимлик қоплами инқирозга юз тутган. Ҳозирги кунда 9 млн. гектар яйловларнинг ҳосилдорлиги ўз

<sup>1</sup> www.FAO.org.hk

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

потенциал имкониятларидан 20% га, 5 млн. гектарда 30% га ва 2,5 млн. гектарда 40 фоиз ва ундан ортиқ пасайган.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон «Қорақўлчиликни янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш тўғрисида»<sup>4</sup>ги Қарорлари ва 2020 йилнинг 2 сентябридаги ПФ-6059-сон «Ўзбекистон Республикасида ипакчилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup>ги фармонлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида чўл яйловларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ёввойи флорадан озуқабоп ўсимлик турларини маданийлаштириш, уларнинг истикболли маҳаллий навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Буларга қуйидагилар киради: ICARDA (Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиш Халқаро илмий маркази, ICBA (Халқаро қишлоқ хўжалигида биошўрланиш маркази, Дубай), Ланджоу университети (Хитой), Бен Гурион университети (Исроил), Yazd /Ardakan University (Эрон), University of Arizona (АҚШ), Utah State University (АҚШ), Всероссийский институт кормов, Всероссийский институт растениеводства, Калмыцкий научно-исследовательский институт сельского хозяйства, Черноземельская опытная станция, Федеральное государственное бюджетное научное учреждение «Прикаспийский аграрный федеральный научный центр Российской академии наук» (Россия), ТОО «Юго-западный научно-исследовательский институт животноводства и растениеводства» (Қозоғистон), ЎзФА Ботаника институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон).

Чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи қатор озуқабоп ўсимлик турлари аниқланди. Шимолий Африка мамлакатларида

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 мартада қабул қилинган “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3603 сонли қарори.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 16 августда қабул қилинган «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш тўғрисида» ПҚ-4420 сонли қарори.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган “Ўзбекистон республикасида ипакчилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059 сонли фармони.

олиб борилган тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, кучли шўрланган ерларда *Atriplex* L. туркумига мансуб кўп йиллик бута ўсимликлар: *Atriplex acanthocarpa*, *A. canescens*, *A. linifolia*, *A. undulata*, *A. lentiformis*, *A. patula*, *A. obovata* чорва моллари учун яхши озуқабоп турлар бўлиб, юқори уруғ ва биомасса ҳосилини тўплаш имконини бериши аниқланган (ICARDA, ICBA). АҚШ нинг чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишда ва юқори ҳосилли қишки яйловлар барпо қилишда *Kochia prostrata* (L.) Schrad. ўсимлигининг истиқболли эканлиги аниқланиб, унинг маҳаллий «Immigrant» ва «Snowstorm» навлари яратилган (Utah State University). Россиянинг жанубий регионларида яйлов экотизимларининг таназзули туфайли ҳосил бўлган ҳаракатчан қум массивларининг умумий майдони 0,5 млн. гектардан ортган. Ушбу ҳаракатчан қумларни мустаҳкамлашда қиёқ (*Leymus racemosus*), жузғун (*Calligonum aphyllum*) каби ўсимликларининг истиқболли эканлиги аниқланган (Калмыцкий научно-исследовательский институт сельского хозяйства, Черноземельская опытная станция, Федеральное государственное бюджетное научное учреждение «Прикаспийский аграрный федеральный научный центр Российской академии наук»). Қозоғистонда чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи қатор озуқабоп ўсимлик турлари аниқланган ва уларнинг истиқболли маҳаллий навлари яратилган (Юго-западный научно-исследовательский институт животноводства и растениеводства). Ўз ФА Ботаника институти ва Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти томонидан чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи қатор озуқабоп ўсимлик турлари аниқланган ва уларнинг истиқболли маҳаллий навлари яратилди.

Дунё микёсида ҳозирги кунда табиий флорадан истиқболли озуқабоп турларни излаб топиш, уларнинг биолого-экологик ва хўжалиқбоп хусусиятларини ўрганиш, истиқболли турларни маданийлаштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш, маҳаллий шароитларда ўсишга яхши мослашган навларини яратиш йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Хорижий етакчи илмий марказлар олимлари чўлланиш ва яйловлар таназзулининг олдини олиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, озуқабоп ўсимликлар интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ушбу йўналишлардаги тадқиқот ишлари натижалари J.P. Abrol, Abdul Halim et al., J.Aronson, N.Q.Arazia, Carlos Ramires Ayala M.C., M. Forti, Ortiz-Olguim, D.Pasternak, O.S.Tomar, C.Watson, A.Stewart, V.J.Anderson, S.G.Kitchen, B.L.Waldron, B.Steven, D.Michael, D.R.Harrison ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон республикаларида, шунингдек, Россия Федерациясининг қурғоқчил ҳудудларида олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари С.Н.Прянишников, И.И.Алимаев, Б.А.Исмаилов, М.Д.Бекбауов, Г.А.Балян, А.В.Валиев, Г.К.Кенжеғалиев, С.А.Абдраимов, З.Ш.Шамсутдинов,

Н.З.Шамсутдинов, П.И.Анфиногенов, П.П.Бегучев, З.Ш.Шамсутдинов, В.П.Зволинский, Ю.Н.Пинашкин, С.С.Полторанин, В.А.Парамонов, В.И.Мухортов, Г.К.Булахтина, В.Кудряшов, Н.И.Кудряшова, Г.М.Мухаммедов, М.Х.Дуриков, А.М.Еспанов, Е.К.Шектибай, М.С.Досжанов, А.Сеиткаримов ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда чўл озуқабоп ўсимликларининг маҳаллий навларини яратиш йўналишида З.Ш.Шамсутдинов, Л.А.Назарюк, А.А.Хамидов, Р.М.Чалбаш, М.М.Махмудов, В.Ю.Шегай, И.О.Ибрагимов, В.А.Парамонов, Д.П.Байгулов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган ва улар томонидан қора саксовулнинг «Нортуя», изеннинг «Карнабчульский», «Пустынный», «Мальгузарский», қуйровуқнинг «Первенец Карнаба», «Сенокосный», терескеннинг «Тўлқин», қўнғирбошнинг «Роҳат» навлари яратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлари режалари билан боғлиқ бўлиб, ДИТД-03 «Разработать и внедрить адаптивную систему и зональные технологии аридного кормопроизводства на основе введения в культуру новых видов и сортов пустынных кормовых растений, создания долголетних пастбищ, рационализации использования природных кормовых угодий в пустынных и полупустынных районах страны» (1986-1990 йй.), ҚХА-7-039 «Арид ўсимлик ресурсларини мобилизациялаш орқали иқлим ўзгариши шароитида чўлланиш, яйлов таназзулининг олдини олиш имконини берувчи илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» (2011-2014 йй.) ва ҚХА-8-019-2015 «Орол ҳавзаси ёввойи флорасидан истиқболли озуқабоп турлар генофондини йиғиш ва селекция манбаларини танлаш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чўл озуқабоп ўсимлик турларининг генофондидан яйловлар ҳосилдорлигини оширишни таъминлайдиган истиқболли бирламчи манбаларни танлаш ва селекцияга жалб қилиш, маҳаллий шароитларга мос, серҳосил янги навларини яратиш, уруғлик этиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

озуқабоп турлар генофондини йиғиш, уларнинг коллекция кўчатзорларини ташкил қилиш;

уларнинг биологик, экологик ва хўжалиқбоп хусусиятларини қиёсий баҳолаш, истиқболли тур, экотип, биотип ва намуналарни селекция манбаи сифатида танлаб олиш;

истиқболли селекция манбаларининг биологик ва генетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда селекция усулларини такомиллаштириш;

истиқболли селекция манбаларини танлаш ва конкурс нав синаш жараёнларида баҳолаш;

истикболли навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш, кўпайтириш экинзорларини барпо қилиш, навларнинг элита уруғларини етиштириш;

навларни ишлаб чиқариш шароитларида апробациядан ўтказиш ва уларни Давлат нав синовига топшириш;

навларнинг уруғ ҳосилдорлиги, уруғларнинг экинбоплик сифатларини ўрганиш ва унувчанлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

навларни етиштиришнинг агротехник тадбирларини: экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг самарали усулларини, уруғларни экишнинг оптимал муддатларини, уруғларни экишнинг оптимал чуқурлигини ҳамда уруғ сарфи меъёрларини аниқлаш, истикболли навларни етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида изен – *Kochia prostrata* L. Schrad, терескен – *Ceratoides ewersmanniana* Botsch. et Ikonn., чўғон – *Halothamnus subaphyllus* С.А.Меу. кўп йиллик олабута – *Atriplex undulata*, астрагал турлари - *Astragalus sp.*, эркак ўт турлари – *Agrophylon sp.* ва хуросон эспарцети- *Onobrychus chorossanica* Вге ва бояличнинг - *Salsola arbuscula* Pall. табиий популяцияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** изен, терескен, чўғон, кўп йиллик олабута, астрагал турлари, эркак ўт, хуросон эспарцети каби чўл озубоқ ўсимлик турлари табиий популяцияларининг Қарнабчўл ва Нурота адирлари шароитларидаги яшовчанлик, ўсиш ва ривожланиш, ҳосилдорлик кўрсаткичлари, яратилган маҳаллий навлари хўжаликбоқ хусусиятлари, уруғларининг унувчанлиги, навларни етиштиришнинг агротехник асослари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида, ўсимликшунослик, ўсимликлар интродукцияси селекцияси ва уруғчилигида умум қабул қилинган (Константинова, Вошинин, Новоселова, Кулешов, Шибря, 1969; Шамсутдинов, Назарюк, Парамонов, 1987; Методические указания по семеноведению интродуцентов, М., 1988; Қаршибоев, Ашурметов, Қаршибоев, 2008; Белолипов, 2011; Кулешов, 1963; Леурда, Белских, 1974) усуллари ва олинган натижаларни биостатистик таҳлил қилишда Б.А. Доспехов (1979) илмий ишларида келтирилган услублардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тарқалиш ареалининг турли нуқталаридан олиб келинган чўл озубоқ ўсимлик турлари ва намуналарида эколого-биологик ва хўжаликбоқ хусусиятлари бўйича катта диапазонларда ўзгарувчанлик мавжудлиги аниқланган ва бу муайян тупроқ-иқлим шароитларида ўсишга яхши мослашган маҳаллий навлар яратиш мумкинлигига асос бўлган;

яйловларни фитомелиорациялашда истикболли бўлган янги ўсимлик турлари: Оғамед астрагали- *Astragalus agameticus* Lipsky., Хуросон эспарцети- *Onobrychus chorossanica* Вге, кўп йиллик олабута- *Atriplex undulata* ва бояличлар - *Salsola arbuscula* Pall. аниқланган;

изеннинг асосан четдан шамол ёрдамида чангланиши, шунингдек, бир тупнинг ўз-ўзидан чангланиши (гейтеногамия) мумкинлиги, чўғоннинг ўз-ўзидан чангланиши, эркак ўтнинг эса четдан шамол ёрдамида чангланиши исботланган;

изен популяцияларида турли сондаги ( $2n=18, 36, 54$ ) хромасома жуфтлигига эга индивидиумлар (полиплоидия) мавжудлиги, изеннинг турли экологик типлари ўзаро эркин дурагайланиши мумкинлиги, изен ва терескен ўсимликларини новда қаламчаларидан вегетатив кўпайтириш ва селекцияда бу усулдан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

чўл озуқабоп ўсимликларининг каттиқ уруғларига экишдан олдин турли усулларда ишлов бериш орқали уларнинг унувчанлигини ошириш усуллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қарнабчўл ва Нурота адирлари шароитларида истиқболли чўл озуқабоп ўсимлик турлари: изеннинг турли экологик типларига мансуб 157 та намунаси, чўғоннинг 4 та турига мансуб 139 та намунаси, терескеннинг 38 та намунаси, астрагалларнинг 22 та турига мансуб 68 та намунаси, эспарцетларнинг 4 та турига мансуб 8 та намунаси, эркак ўтларнинг 4 та турига мансуб 25 та намуналаридан иборат Ўрта Осиё генофонди, Суриядан олиб келинган кўп йиллик олабутанинг *Atriplex undulata* тури ва Қорақалпоғистон республикаси, Мўйноқ туманида тарқалган боялич- *Salsola arbuscula* Pall. ўсимликларининг хўжалиқбоп белгилари қиёсий баҳоланиб, истиқболли селекция манбалари танлаб олинган;

селекция-танлов ишларини олиб бориш натижасида инқирозга учраган яйловлар ҳосилдорлигини 15-25 ц/га бўлишини таъминловчи изеннинг (*Kochia prostrata* (L.) Srad.) «Отавный», «Сахро», «Нурота», чўғоннинг (*Halothamnus subaphyllus* (C.A.Mey.) Aell.) «Жайхун», астрагалнинг (*Astragalus agameticus* Lipsky.) «Оқтоғ», эркак ўтнинг (*Agropyron desertorum* Gaertn.) «Ишонч», кўп йиллик олабутанинг (*Atriplex undulata* L.) «Ягона» маҳаллий навлари яратилиб, Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиқ экинлари навлари Давлат реестрига киритилган;

чўл озуқабоп ўсимликлари хромасомаларини бўяш усули (патент № 4268), чўл ўсимликлари каттиқ уруғларига экишдан олдин ишлов бериш усули (патент IAP№ 05677); ковул-*Capparis spinosa* L. уруғларига экишдан олдин ишлов бериш усули (патент IAP№ 06605) ишлаб чиқилган ва патентлар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала тажрибаларининг ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази, Ўзбекистон ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш Давлат Қўмитаси апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, йиллик ва якуний ҳисоботларнинг Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг Илмий Кенгаши мажлисларида муҳокама этилганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, тажрибалардан олинган маълумотларнинг биостатистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика

ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ОАК эътироф этган илмий нашрларда мақолалар чоп этилиши билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - чўл ва ярим чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш учун истиқболли бўлган озуқабоп турларни танлаб олишда Ўзбекистон ва ўхшаш иқлим шароитли хориж мамлакатлар табиий флораси бой манба бўлиб хизмат қилиши, интродукцион ва селекцион ишларда озуқабоп турлар тарқалиш ареалларидан уларнинг генофондини йиғиш, муайян тупроқ-иқлим шароитларида қиёсий баҳолаш ва истиқболли селекция манбаларини танлаш, ўсимликларнинг эколого-биологик хусусиятларига асосланиб селекция ва танлов ишларида экотипик, кўп марталаб умумий танлаш, индивидуал-гуруҳлаб танлаш, дурагайлаш, полиплоидия ва вегетатив кўпайтириш усулларида кенг фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги махсус тажрибалар олиб бориш ва эришилган натижалар асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - шувоқ-эфемерли Қарнабчўл ва Нурота адирлари минтақасидаги инқирозга учраган кам ҳосилли яйловлари ўсимлик қопламани қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини гектаридан 15-25 центнерга етказиш имконини берувчи изеннинг «Отавный», «Сахро» ва «Нурота», чўғоннинг «Жайхун», кўп йиллик олабутанинг «Ягона», астрагалнинг «Оқтоғ» ва эркак ўтнинг «Ишонч» каби маҳаллий навларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишнинг интродукция ва селекция асослари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

изеннинг «Отавный», чўғоннинг «Жайхун», олабутанинг «Ягона» навлари Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги «Нурли эл чорвадори» қорақўлчилик масъулияти чекланган жамиятида 50 гектар, «Олға қорақўл наслчилик» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектар, «Сахоба ота қорақўл-насл» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектар, «Тим – Агрон чорвадорлари» қорақўлчилик масъулияти чекланган жамиятида 4 гектар майдонларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021-йил 9-мартдаги №02/23-478 сон маълумотномаси). Натижада яйловлар ҳосилдорлиги оширилиб, гектаридан 14-22 ц гача юқори ҳосил олиншига эришилган;

изеннинг «Отавный», чўғоннинг «Жайхун», эркак ўтнинг «Ишонч» навлари Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Рустамнома» фермер хўжалигида 10 гектар, «Бозорбой тулпори» фермер хўжалигида 10 гектар майдонларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021-йил 9-мартдаги №02/23-478 сон маълумотномаси). Натижада, ушбу ҳудудларда чўл озуқабоп ўсимликлар етиштиришда рентабеллик даражаси 53 % ни ташкил этган;

изеннинг «Сахро», чўғоннинг «Жайхун», кўп йиллик олабутанинг «Ягона» навлари Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «Когон-Чинор

чорваси” қорақўлчилик масъулияти чекланган жамиятида 5 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021-йил 9 мартдаги №02/23-478-сон маълумотномаси). Натижада, яйловлардан озуқабоп ўсимликларни етиштиришнинг технологияси тикланиб, гектаридан 15-20 ц/га ҳосил олишга эришилган;

Бухоро вилояти чўл озуқабоп ўсимликлари уруғчилик марказида чўғоннинг «Жайхун», изеннинг «Нурота», олабутанинг «Ягона» навлари 230 гектар майдонларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021-йил 9-мартдаги №02/23-478-сон маълумотномаси). Натижада, гектаридан 15-25 ц/га пичан ҳосилини олишга эришилган;

Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги “Алтинбоев ери” фермер хўжалигида 2 га майдонда изеннинг “Отавный”, олабутанинг “Ягона” навлари экилиб, изендан 18,0 ц/га пичан ва 250 кг уруғ ҳосили, олабутадан 20,0 ц/га пичан ва 350 кг/га уруғ ҳосилини олишга эришилган ёки изендан 1,0 га ердан 6250 минг сўм, олабутадан 8750 минг сўмлик маҳсулот олишга эришилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021-йил 9 мартдаги №02/23-478-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодий самарадорлик таъминланиб, рентабеллик даражаси 73% ни ташкил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан 10 та республика ва 6 та хорижий журналларда ҳамда 2 та тавсиянома нашр этилган, 3 та патент ва 8 та навга муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети баён этилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот услублари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида чўл яйловларини фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини ошириш муаммоси нафақат Ўзбекистон учун, балки яйлов чорвачилиги ривожланган дунёдаги барча мамлакатлар учун ҳам долзарб муаммо эканлиги, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи истиқболли фитомелиорантларни табиий флорадан излаб топиш, уларни маданий шароитда етиштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш, яйловларни фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини оширишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, чўл озукабоп ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги йўналишларида жаҳонда ва Ўзбекистонда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили баён қилинган.

Яйлов чорвачилиги ривожланган Хитой, Монголия, Австралия, АҚШ, Жазоир, Миср, Тунис, Яқин шарқ мамлакатлари, Кичик ва Марказий Осиё мамлакатлари чўллари ҳосилдорлигини оширишда якка тиканли корнулака – *Cornulaca monacantha*, сассиқ шўра – *Salsola coryosma*, траганум – *Bassia hissepoides*, итсегек – *Anabasis brevifolia*, изен – *Kochia prostrata*, чумчуқшўра – *Salsola passeriana*, Австралияда бута шаклидаги кўп йиллик олабута – *Atriplex sp.* турларининг истиқболли эканлиги аниқланган ва ушбу турларни маданийлаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон республикаларида, шунингдек, Россия Федерациясининг қурғоқчил ҳудудларида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида яйловлар ҳосилдорлигини кескин ошириш имконини берувчи бир талай озукабоп ўсимлик турлари аниқланган, уларни маданий шароитда етиштириш агротехник тадбирлари ишлаб чиқилган, истиқболли маҳаллий навлари яратилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларнинг қисқача тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Қарнабчўл ва Нурота адирлари тупроқ- иқлим шароитлари, ўсимлик қоплами, тадқиқотларнинг умумий схемаси (1-расм), тадқиқотларни олиб боришда қўлланилган услублар: ўсимликларнинг яшовчанлик, фенологик, сув буғлатиш интенсивлиги, гуллаши ва чангланиши, кариологик хусусиятларини, ўсиши, фитомасса ва уруғ ҳосилдорлиги, уруғларнинг экинбоплик хусусиятларини ўрганишда, агротехник тадқиқотларда қўлланилган услублар, олинган натижаларни биостатистик таҳлил қилишда қўлланилган услублар ёритилган. Селекция-танлов ишларида экотипик, индивидуал – гуруҳлаб, умумий танлаш, эркин дурагайлаш услубларидан фойдаланилганлиги кўрсатилган. Экинбоплик хусусиятларини ўрганишда, агротехник тадқиқотларда қўлланилган услублар, олинган натижаларни биостатистик таҳлил қилишда қўлланилган услублар ёритилган. Селекция-танлов ишларида экотипик, индивидуал – гуруҳлаб, умумий танлаш, эркин дурагайлаш услубларидан фойдаланилганлиги кўрсатилган.

### Интродукция ва селекциянинг дастлабки манбаи



1-расм. Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилигининг умумий схемаси

Диссертациянинг «**Чўл озуқабоп ўсимликларининг генофонди - селекция манбаи**» деб номланган учинчи бобида Қарнабчўл ва Нурота адирлари шароитларида истиқболли чўл озуқабоп ўсимлик турлари: изеннинг турли экологик типларига мансуб 157 та намунаси, чўфоннинг 4 та турига мансуб 139 та намунаси, терескеннинг 38 та намунаси, астрагалларнинг 22 та турига мансуб 68 та намунаси, эспарцетларнинг 4 та турига мансуб 8 та намунаси, эркак ўтларнинг 4 та турига мансуб 25 та намуналаридан иборат Ўрта Осиё генофонди, Суриядан олиб келинган кўп йиллик олабутанинг *Atriplex undulata* тури ва Қорақалпоғистон республикаси, Мўйноқ туманида тарқалган боялич ўсимликларининг хўжалиқбоп белгиларини қиёсий баҳолаш, истиқболли селекция манбаларини танлаб олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида аниқланганки, тарқалиш ареалининг турли нуқталаридан олиб келинган изен намуналарининг Қарнабчўл шароитидаги яшовчанлиги ўсимликлар ҳаётининг 4-чи ва 5-чи йилларида 11,5% дан 81,2 % гача ўзгариб турган. Ҳосилдорликни белгиловчи бўйига ўсиш кўрсаткичлари бўйича ҳам намуналар орасида катта ўзгарувчанлик мавжуд бўлиб, турли намуналарнинг бўйига ўсиши ўртача уч йилда 31,9 см дан 81,2 см гача бўлиши аниқланган. Пичан ҳосилдорликлари бўйича ҳам катта ўзгарувчанликнинг мавжудлиги аниқланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Коллекция кўчатзорларида синалган изен намуналарининг пичан ҳосилдорлиги

Коллекция кўчатзорлари №	Ўсимликларнинг пичан ҳосилдорлиги, ц/га		
	Ўзгарувчанлик диапазоли	M±m	V, %
<b>Соз тупроқ экологик типи</b>			
1	4,1-19,8	11,9±0,8	37,8
2	7,9-22,6	12,5±2,1	59,6
3	6,1-15,2	11,9±1,6	42,8
4	2,9-15,6	7,7±1,3	65,7
5	3,9-8,2	5,36±0,4	22,9
Ўртача:		<b>9,8±1,4</b>	
<b>Тошлоқ экологик типи</b>			
1	3,8-33,5	19,1±4,1	71,3
2	7,9-17,2	11,6±1,6	44,8
3	10,9-18,7	14,8±1,6	21,6
5	3,7-11,1	7,9±1,7	43,3
Ўртача:		<b>13,3±2,3</b>	
<b>Қумлоқ экологик типи</b>			
1	3,7-7,2	5,1±0,4	24,5
2	6,8-12,6	9,3±1,0	34,4
3	3,0-7,2	4,4±0,5	33,4
4	3,7-14,8	5,8±0,9	77,8
5	4,7-11,5	7,5±1,4	42,6
Ўртача:		<b>6,4±0,9</b>	

Турли экологик типларга мансуб намуналарнинг пичан ҳосилдорлиги 2,9 ц/га дан 35,1 ц/га гача ўзгариб, соз тупроқ экологик типига мансуб намуналар орасида энг юқори пичан ҳосили 19,8 ц/га К-1 намунасида (Самарқанд вилояти, Қўшрабoт тумани) қайд этилган. Тошлоқ экологик типига мансуб намуналар орасида энг юқори ҳосилдорлик К-32 (Ўш вилояти, Жингелдисой) 26,3 ц/га, К-33 (Ўш вилояти, Қўчқорота) 24,9 ц/га, К-34 (Ўш вилояти, Шамоллисой) 23,1 ц/га, К-40 (Қирғизистон, Қарнаб репродукцияси) 33,5 ц/га намуналарида кузатилган. Қумлоқ экологик типига мансуб намуналар ҳосилдорлиги бошқа экологик типларга мансуб намуналарга нисбатан анча кам бўлиши кузатилган. Энг юқори ҳосилдорлик К-45 намунада (Қизилқум, Оёқ оғитма) кузатилиб, у ҳам атиги 7,2 ц/га ни ташкил қилган.

Коллекция кўчатзорларида синаб кўрилган чўғон намуналарининг яшовчанлиги Нурота адирлари шароитида 21,2% дан 100% гача, бўйига ўсиши 31,8 см дан 120 см гача ва пичан ҳосилдорлиги ўртача 4 йилда 4,1 ц/га дан 17,4 ц/га гача ўзгарувчанликка эга бўлиши аниқланган. Энг юқори пичан ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидан териб олинган Зарафшон турига мансуб К-2625 намунасида кузатилган (ўртача 4 йилда – 17,4 ц/га). Тожикистон республикасининг Хўжанд вилоятидан териб келинган Фарғона турига мансуб К-2137 намунаси пичан ҳосилдорлиги ўртача 4 йилда атиги 4,1 ц/га ни ташкил этган.

Нурота ва Қарнаб тажриба далаларида терескеннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон эколого-географик гуруҳларига мансуб 38 намунадан иборат генофонди хўжаликбop хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоланган. Турли терескен намуналарининг вегетация даври Қарнабчўлда 183-218 кунни, Нурота адирлари шароитида эса 180-200 кунни ташкил қилиши аниқланган. Терескен намуналарининг яшовчанлиги улар ҳаётининг 25-йилига келиб Нурота адирлари шароитида 3,2-61,8 % ни, Қарнабчўлда 30,2-73,2 % ни ташкил қилган. Терескен намуналарининг пичан ҳосилдорлиги Нурота адирлари шароитида 4,2-14,5 ц/га ни, Қарнабчўлда эса 3,6-16,8 ц/га ни ташкил қилган. Пичан ҳосилдорлиги бўйича терескен намуналарини қиёсий баҳолаш натижасида Қозоғистон эколого-географик гуруҳига мансуб намуналар орасидан юқори пичан ҳосилдорлигига эга бўлган К-1964 (12,4-17,6 ц/га), К-976 (14,6 - 18,6 ц/га), Қирғизистон эколого-географик гуруҳига мансуб намуналар орасидан К-1981 (11,6-17,1 ц/га), Тожикистон эколого-географик гуруҳига мансуб К-2035 (11,3-13,6 ц/га) ва Ўзбекистон эколого-географик гуруҳига мансуб К-1999 (10,4-14,2 ц/га) ва К-2000 (12,4-14,6 ц/га) намуналарини истиқболли селекция манбалари сифатида танлаб олинган. Ушбу бобда Суриядан иқлимлаштирилган кўп йиллик олабутанинг *Atriplex undulata* тури ва боялич ўсимликларининг Қарнабчўл шароитидаги ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва баъзи физиологик хусусиятларини ўрганишдан олинган натижалар ҳам баён қилинган. *Atriplex undulata* турининг Қарнабчўл шароитидаги яшовчанлиги ҳаётининг учинчи йилига келиб 80,9% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич маҳаллий навлар бўлган изеннинг «Отавный» навида 88,8% ва чўғоннинг «Жайхун» навида 81,8% ни ташкил қилган.



**2-расм. Олабутанинг *Atriplex undulata* тури**

Пичан ҳосилдорлиги бўйича *Atriplex undulata* турининг маҳаллий навларга нисбатан устунлиги аниқланган. Боялич--*Salsola arbuscula* Pall. ўсимлигини Қарнабчўл шароитида синаш натижалари ҳам ушбу ўсимликнинг мазкур шароитга мослашиш потенциалининг мавжудлигини ва фитомелиорант сифатида истиқболли эканлигини кўрсатган. Бояличнинг сув режими хусусиятлари маҳаллий қуйровук ўсимлиги билан солиштирилган ҳолда ўрганилган. Ушбу хусусият бўйича ҳар иккала турлар бир-бирига яқин турлар бўлиб, баҳорда боялич ўсимлиги тўқималаридаги сув миқдори 82,4%, қуйровукда эса 81,9%; сув танқислиги баҳорда бояличда 0,7%, қуйровукда 0,9%, кузда мутаносиб равшда 7,1% ва 19,7% эканлиги аниқланган.



**3-расм. 4 ёшдаги изеннинг алоҳида тупи**

Сув буғлатиш интенсивлиги бўйича бояличнинг бироз устунлиги аниқланган. Бояличнинг янги ўсиш шароитидаги яшовчанлиги ҳаётининг

учинчи йилига келиб 50,0% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич қуйровукда 64,0% бўлиб, унинг узоқ йиллардан буён мазкур шароитда етиштирилаётганини ҳисобга олсак, боялични Қарнабчўл тупроқ-иқлим шароитига мослаша олиш потенциалининг мавжудлигидан далолат беради. Ўсимликларнинг бўйига ўсиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича ҳар иккала турлар ўртасида деярли фарқ кузатилмади яъни, ҳаётининг учинчи йилида бояличнинг бўйига ўсиши 51,8 см ни ташкил қилган бўлса, қуйровукда бу кўрсаткич 48,3 см ни, пичан ҳосилдорлиги эса мутаносиб равишда 15,4 ва 14,6 ц/га ни ташкил қилди. Олинган натижалар боялични Қарнабчўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида интродукцион ва селекцион ишларга жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Чўл озуқабоп ўсимликларининг истиқболли навлари**» деб номланган тўртинчи бобида диссертант томонидан чўл озуқабоп ўсимликлари турлари билан селекция-танлов ишларини олиб бориш натижасида яратилган янги навларнинг морфо-биологик ва ҳўжаликбоп белгилари тавсифлари баён қилинган.

**Изеннинг «Сахро» нави.** Изеннинг ушбу нави унинг қумлоқ экологик типига мансуб, Қизилқум чўлининг Оёқ-оғитма массивида тарқалган ёввойи популяциясидан кўп марталаб умумий танлаш усулида яратилган. Нав қуйидаги морфологик белгилари билан тавсифланади: популяция таркибида 70% ўсимликлар тарвақайлаб ўсиш шаклига эга, ярим ётиқ ёки ярим тик ўсувчи ўсимликлар ҳам учрайди. Новдаларининг шакли юмалок, узунлиги – 60 - 65 см, қалин тукчалар билан қопланган, новдалари асосининг қалинлиги 2 – 2,5 мм, тупланиши кучли, генератив новдалари сони ўртача 115 – 125 дона. Баргланиши кучли, фитомассаси таркибида ғунчалаш даврида барглари фракцияси 45,6 фоизгача, уруғлаш даврида – 10,8 фоиз. Баргларининг шакли ланцетсимон, узунлиги – 1,8 – 3,1 см, эни – 1,6 – 3,1 мм, қалин тукчалар билан қопланган. Гул тўплами рўваксимон, ўртача зичликда, узунлиги 20 – 30 см. Универсал типдаги кучли илдиз тизими эга. Ҳаётининг 4 – 5- чи йилларида илдизлари тупроққа 6 – 8 м чуқурликкача кириб боради. Қарнабчўл шароитида вегетация даври 220-230 кун. Қуруқ пичан ҳосилдорлиги турли йилларда – 15 - 24 ц/га, уруғ ҳосили – 1,8 – 2,0 ц/га. Озуқаси таркибида гуллаш даврида 15,5 – 17,0% хом оқсил, 0,83 – 1,05 % глюкоза, 0,63-1,32 % сахароза, 1,46 – 2,37 % умумий қанд моддалари, 2,2 – 2,4% липидлар, 17,4 – 18,8% клетчатка, 33,12 мг/кг С витамини ва 9,0 мг/кг каротин мавжудлиги аниқланган. Изеннинг «Сахро» нави қумли чўл шароитида юқори ҳосилли, кўп компонентли яйлов агрофитоценозларини яратишда компонент сифатида ёки нукул изендан иборат сунъий яйловлар яратишда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

**Изеннинг «Отавный» нави** тошлоқ экологик типига мансуб, Қирғизистоннинг Ўш вилояти, Жингелдисой массивида ёввойи ҳолда тарқалган популяцияси таркибидан индивидуал – гуруҳлаб танлаш усулида яратилган. Нав қуйидаги морфологик хусусиятлари билан тавсифланади: популяцияси ярим тик ўсувчи шаклидаги ўсимликлардан ташкил топган. Новдаларининг шакли думалок, асосидаги диаметри 2,5 – 3,5 мм, узунлиги

85 – 105 см гача, тукчалар билан қопланиши ўртача қалинликда. Тупланиши кучли, вояга етган ҳар бир ўсимлик тупида 95 – 130 донагача новдалар ҳосил қилади. Барглари ланцетсимон, тукчалар билан ўртача қалинликда қопланган, эни 2,0 – 2,5 мм, узунлиги 2,5 – 3,5 см, фитомассаси таркибида гуллаш даврида баргларининг салмоғи 44,3%, уруғлаш даврида 16,6%. Гул тўплами рўваксимон, сершоҳ, узунлиги 35 – 45 см. Кучли ривожланган, тупроққа 7 – 8 м чуқурликкача кириб борувчи универсал типдаги илдиз тизимини шакллантиради. Ўсимликларнинг ғунчалаш даврида озукаси таркибида 12 – 16% хом протеин, 2,7 – 3,28% ёғ, 43,5% азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ), 26,5–30,8% клетчатка мавжудлиги аниқланган. Йил мавсумларига қараб озукасининг таркибида 63,5 – 45,9 озуқа бирлигини сақлаши аниқланган. Гуллаш даврида ўрилганидан сўнг яна қайта ўсиш ва уруғ ҳосили тўплаш хусусиятига эга. Навнинг пичан ҳосилдорлиги икки ўримда ҳаётининг учинчи йилида 16–18 ц/га, уруғ ҳосилдорлиги эса 1,7–2,7 ц/га бўлиши аниқланган, вегетация даври 220-250 кун. Изеннинг ушбу нави йиллик ёғингарчилик миқдори 110 – 350 мм бўлган шувоқ-эфемерли чўл минтақасида сунъий пичазорлар ва юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларини яратиш учун тавсия қилинади.

**Изеннинг «Нурота» нави** Қирғизистонда ёввойи ҳолда тарқалган тошлоқ ва соз тупроқ экологик типларини ўзаро чатиштириш орқали яратилган. Оталик ўсимлиги сифатида тошлоқ экологик типи, оналик ўсимлик сифатида эса соз тупроқ экологик типи хизмат қилди. Чатиштиришдан олинган дурагай авлодда ҳар иккала экологик типларга хос морфологик белгиларнинг намоён бўлиши кузатилди, яъни ташқи кўринишидан ўсимликларнинг ранги иккала экотиплар оралиғида кулранг-яшил тусда, новда ва барглари ўртача интенсивликда тукчалар билан қопланган. Новдалари шакли кўндаланг кесимда юмалоқ, узунлиги ўртача 87 см, асосининг диаметри 4 – 4,2 мм. Барглари ота-она авлодлариникига нисбатан узун 17 – 22 мм, эни эса оналик ўсимликларникига ўхшаш торроқ, яъни 1 – 1,5 мм, тукланиши ўртача. Гул тўплами рўваксимон, узунлиги 45–48 см, шохланган. Ўсимликларнинг тупланиши кучли, вояга етган ўсимликларнинг ўртача бир тупида 110 – 115 донагача новдалар ҳосил қилади. Нав тошлоқ ва соз тупроқ экологик типларига нисбатан йирик уруғлар ҳосил қилади. Уруғларининг 1000 донаси абсолют массаси 3,1 г ни ташкил қилади, бу кўрсаткич соз тупроқ экологик типиди 1,2 г, тошлоқ экологик типиди эса 2,1 г га тенг. Навнинг қимматли хўжаликбоп хусусиятларидан бири - озукаси таркибидаги С витаминининг кўплигидир. Аниқланганки, экологик типлар орасида соз тупроқ экологик типи тошлоқ ва қумлоқ экологик типларга нисбатан С витамини миқдори бўйича ҳар доим устун туради.

«Нурота» нави озукаси таркибидаги С витаминининг миқдори 127,1 мг/кг ни ташкил қилади, яъни дурагай авлодда соз тупроқ экологик типининг хусусияти яққол намоён бўлди. Ушбу навда ҳар иккала экологик типларга хос хусусиятлар мужассамланганлиги сабабли уни ҳам шувоқ эфемерли чўл минтақасида, ҳам соз тупроқли адир минтақаларида ҳам етиштиришга тавсия

қилиш мумкин. Нурота адирлари шароитида ушбу навнинг вегетация даври турли йилларда 225 – 235 кунни ташкил қилади. Қуруқ пичани ҳосилдорлиги турли йилларда 14 – 18 ц/га, уруғ ҳосилдорлиги эса 2,2 – 3,1 ц/га ни ташкил қилиши аниқланган.

**Чўғоннинг «Жайхун»** нави Муборак чўлида ёввойи ҳолда тарқалган унинг Зарафшон турига мансуб популяциясидан кўп марталаб умумий танлаш усулида яратилди. Экин шароитида тарвақайлаб ўсувчи, жуда кучли шохланган, баландлиги 80-120 см ва диаметри 90-130 см гача бўлган ярим доира шаклидаги серуруғ тупларини ҳосил қилади. Чўғоннинг ушбу нави кенг экологик мослашувчанлик потенциалига эга бўлиб, соз тупроқли, гипсли ва қумли чўлларнинг ўртача даражада шўрланган тупроқларида ҳам ўсиб, юқори пичан ва уруғ ҳосилини тўплаш хусусиятига эга.



**4-расм. 4 ёшдаги чўғон ўсимлигининг алоҳида тупи**

Чорва ҳайвонлари томонидан йилнинг барча мавсумларида қониқарли истеъмол қилинади. Унинг ейилувчанлиги кузда янада ортади. Вегетацияси март ойининг иккинчи ярмидан бошланади, май - июнь ойларида гуллайди, уруғлари сентябрь ойининг охири ва октябрь ойида пишади. Навнинг вегетация даври турли йилларда 225- 235 кунни ташкил қилади. Уруғлари йирик, 1000 донасининг абсолют массаси – 7,1 г. Чўғон озуқасининг тўйимлилиги нисбатан юқори. Ғунчалаш даврида унинг таркибида 24,7% протеин, 2,7% ёғ, 36,9% кул моддалари, 18,3% клетчатка мавжуд бўлади. Чўғон озуқасининг 100 кг қуруқ массасида йил мавсумларига қараб 39 – 57 озуқа бирлигини сақлайди. Нурота адирлари шароитида навнинг пичан ҳосилдорлиги турли йилларда 10 – 15 ц/га, уруғ ҳосили эса 2 – 3 ц/га, Қарнабчўл шароитида эса 18 – 22 ц/га пичан, 3 – 4 ц/га уруғ ҳосилини тўплаш

хусусиятига эга. Чўғоннинг ушбу нави адир, чўл ва қумли чўлларда юқори ҳосилли, кўп компонентли яйлов арофитоценозларини яратишда фойдаланишга тавсия этилади.

**Астрагалнинг «Оқтоғ»** нави Туркманистоннинг Ашхобод ва Мари вилоятларида ёввойи ҳолда тарқалган пахтабош астрагали - *Astragalus globiceps* Bunge тури ёввойи популяцияларидан кўп марта умумий танлаш усулида яратилди. Вегетация даврини ёзнинг ўртасида тугатадиган, кўп йиллик ўтчил ўсимлик. Барглари мураккаб, ҳар бир барг бандида 12-20 жуфтдан чўзиқ юмалоқ шаклдаги барг пластинкалари жойлашган. Новдалари ва барглари оқ тукчалар билан қалин қопланган ва ўсимликка оч кулранг тус беради. Уруғлари анча йирик, 1000 донаси абсолют массаси 19,2 г. Нурота адирлари шароитида ўсимликларнинг бўйи турли йилларда 65- 85 см ни ташкил қилади. Вегетация даври 119- 130 кун. Турли йилларда навнинг қуруқ пичан ҳосилдорлиги 21 – 29 ц/га, уруғ ҳосили эса 240 – 251 кг/га ни ташкил қилди. Дуккакли ўсимликларнинг озукавий қиймати бошқа турларга қараганда юқори бўлиши маълум. Астрагалнинг ушбу нави озукаси таркибида 15,6-16,3% протеин ва 100 кг қуруқ пичани таркибида 68- 70 озуқа бирлигини сақлаши аниқланди. Навнинг Нурота адирлари шароитидаги яшовчанлиги нисбатан юқори – ҳаётининг учинчи йилида 74- 89% ни ташкил қилди. Астрагалнинг ушбу нави қимматли пичанбоп ва серҳосил озукабоп ўсимлик эканлигини ҳисобга олиб, ундан адирлар шароитида юқори ҳосилли сунъий пичанзорлар яратишда кенг фойдаланишни тавсия қиламиз. Унинг пичанини барча турдаги ўриш механизмлари ёрдамида йиғиштириб олиш мумкин.



**5-расм. Оғамед астрагали**

**Эркак ўтнинг «Ишонч»** нави Қозоғистонда ёввойи ҳолда тарқалган, унинг чўл эркак ўти турига (*Agropyron desertorum*) мансуб популяциясидан кўп маротаба умумий танлаш усулида яратилди. Нурота адирлари шароитида турли йилларда унинг бўйига ўсиши 65 -75 см ни, қуруқ пичан ҳосилдорлиги 14- 15 ц/га ни, уруғ ҳосилдорлиги 1,7- 2,1 ц/га ни ташкил қилди. Навнинг Нурота адирлари шароитидаги яшовчанлиги ҳаётининг тўртинчи йилига келиб 89- 92% ни ташкил қилди. Вегетация даври баъзан кузги ёгин-сочинлардан сўнг бошланади, жадал ўсиши март ойида кузатилади. Май-июнь ойларида гуллайди, уруғи июль ойининг биринчи ўн кунлигида пишиб етилади. 1000 дона уруғлари абсолют массаси- 1,93 г. Навнинг пичани таркибида 8,63% протеин, 2,3% ёғ, 32% клетчатка, 42,6% азотсиз экстрактив моддалар, 5,17% кул моддалари мавжудлиги аниқланган.100 кг қуруқ пичанида 43 озуқа бирлигини сақлайди. Ушбу нав яйловда энг узоқ умр кўрувчи ўсимлик навларидан бири ҳисобланади. Эркак ўтнинг бу навидан адирларда юқори ҳосилли пичанзорлар ва сунъий яйловлар яратишда фойдаланиш тавсия қилинади. Кўп йиллик олабутанинг «Ягона» нави уруғлари дастлаб ICARDA ва кейинчалик ICBA Ҳалқаро илмий марказлари кўмагида Сурия давлатидан олиб келинди. Нав кўп йиллик олабуталарнинг *Atriplex undulata* турига мансуб, Ўзбекистон табиий флорасида бу тур қайд этилмаган. Олабутанинг бу тури 2004 йилдан бошлаб Карнабчўл шароитида иқлимлаштирила бошланди. Кўп йиллик синовлар натижасида ушбу турнинг маҳаллий фитомелиорантларга нисбатан юқори пичан ва уруғ ҳосилини тўплаш хусусияти аниқланди. Чорва ҳайвонлари томонидан ейилувчанлиги яхши, тўкилган уруғларидан яхши кўпайиш хусусиятига эга.



**6-расм. Эркак ўт**

Ярим бута шаклидаги туплари йирик, бўйи 70 – 80 см, тупининг диаметри 120- 200 см гача майдонни эгаллайди. Новдалари узунлиги 80 – 155 см гача, ер бағрлаб, тарвақайлаб ўсади. Сершоҳ ва сербарг. Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро вилоятлари адир ва чўл минтақаларида «Ягона»

навнинг пичан ҳосили 18 – 35 ц/га ни ташкил қилиши аниқланди. Навнинг уруғ ҳосилдорлиги ҳам нисбатан юқори – 3,5-4,5 ц/га. Кўп йиллик олабутанинг ушбу навдан чўл минтақаларида юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозлари ва сунъий пичанзорлар яратишда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Чўл озуқабоп ўсимликлари селекциясининг биологик асослари**» деб номланган бешинчи бобида ўсимликларнинг чангланиш, кариологик, вегетатив регенерацияланиш хусусиятларини ўрганиш ва эркин дурагайлашдан олинган маълумотлар баён қилинган. Аниқланганки, изен четдан шамол ёрдамида чангланувчи ўсимлик бўлиб, бир тупнинг ўзида ҳам чангланиши мумкин.

Масофавий изоляцияланган ўсимликларда ҳосил бўлган гул гунчаларининг 4,1% ида, эркин чангланишда эса 25,0 % ида уруғлар ҳосил бўлиши аниқланган. Изендан фарқли ўлароқ, чўғон ўсимлиги ўз-ўзидан чангланиш хусусиятига эга эканлиги аниқланган, яъни масофавий изоляцияланган чўғон ўсимликларида уруғ ҳосил бўлиш кўрсаткичи 60-63 % ни ташкил қилган. Эркак ўт ўсимлиги бошоқларини гуллаш олдидан пергамент қоғоздан тайёрланган изоляторлар билан изоляциялашда бирорта уруғ ҳосил бўлмади. Эркин шамол ёрдамида чангланган ўсимликларда эса 21,7 % дан 33,7 % гача уруғ ҳосил бўлиши кузатилган.

Ўсимликларнинг чангланиш типларини ўрганишдан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, изен ва эркак ўт ўсимликлари селекциясида индивидуал-гуруҳлаб, индивидуал ва кўп марталаб умумий танлаш услубларидан кенг фойдаланиш мумкин, чўғон ўсимлиги селекциясида эса индивидуал танлаш юқори самара бериши мумкин. Аниқланганки, изеннинг табиий популяцияларида  $2n=18,36,54$  жуфт хромасомали ўсимликлар учрайди. Демак, изеннинг селекциясида полиплоидия ҳодисасидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Одатда, полиплоид ўсимликлар йирик ва юқори фитомасса ҳосилини тўплайди. Мазкур бобдаизеннинг турли экологик типларини эркин дурагайлашдан олинган маълумотлар ҳам келтирилган. Дурагайлаш натижасида хўжалиқбоп белгиларнинг (новдалар сонининг ортиши, уларнинг йўғонлашуви, бўйининг ўсиши, уруғларининг йириклашуви ва ҳосилдорлигининг) ортиши кузатилган. Демак, изеннинг селекциясида селекция манбаини яратишда географик узоқ намуналар ва экологик типларни ўзаро чапиштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Аниқланганки, изен ва терескен ўсимликларини новда қаламчаларидан ҳам кўпайтириш мумкин. Изеннинг 34,5%, терескеннинг 28,4% новда қаламчаларида илдизлар ҳосил бўлиши аниқланган ва иккинчи йилда ўсимликлар яхши ривожланган.

«**Чўл озуқабоп ўсимликлари уруғларининг унувчанлигини ошириш усуллари**» деб номланган олтинчи бобда ўсимлик турлари уруғ ҳосилдорлиги, уруғларнинг тиним даври ва қаттиқлик хусусиятлари, уруғларнинг унувчанлигини оширишда уларни скарификациялаш ва стратификациялаш усуллари кўллашдан олинган маълумотлар баён қилинган. Аниқланганки, чўл озуқабоп ўсимлик турларининг уруғ

ҳосилдорлиги нисбатан паст, яъни бу кўрсаткич ўсимлик тури ва навига қараб гектаридан 1,3-3,9 ц/га ни ташкил қилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Чўл озукабон ўсимлик тур ва навлари уруғ ҳосилдорлиги, ц/га Қарнаб, Нурога тажриба далалари, 2018-2020 йй.

Тур ва навлар	Туп сони, минг/га	Уруғ ҳосили, ц/га			Ўртача 3 йилда, ц/га
		2018 йил	2019 йил	2020 йил	
Изен «Сахро»	12,5	1,2 ± 0,3	1,7 ± 0,4	1,8 ± 0,2	1,56
Изен «Отавный»	13,2	2,0 ± 0,3	2,4 ± 0,2	2,3 ± 0,2	2,23
Чўғон «Жайхун»	11,6	2,6 ± 0,4	3,6 ± 0,4	0,4±3,9	3,36
